Бухоро давлат техника университети

«Ўзбек ва хорижий тиллар» кафедраси доценти, PhD

Radjabova Marjona

ОНОМАСТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Ушбу мақолада муаллиф фразеологик бирликлар таркибидаги диний ономастик компонентларни инглиз, рус ва ўзбек тиллари мисолида таҳлилга тортган ҳамда қардош бўлмаган тилларда уларнинг миллий хусусиятини сақлаган ҳолда таржима қилишга доир олимларнинг қарашларини келтириб, уларга муносабат билдирган. Шунингдек, ономастик бирликларнинг таржимашуносликдаги ўрни, уларнинг фразеологизмлар таркибидаги вазифаларини муҳокама қилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Ономастик компонент, дин, фразеологик бирлик, Қобил, Ҳобил, Нуҳ, Холиқ, Иуда.

АННОТАЦИЯ. В данной статье автор проанализировал религиозные ономастические компоненты в составе фразеологических единиц английского, русского и узбекского языков. Также, приводя мнения ученых о переводах сохраняющих национальные особенности ономастических единиц на неродственные языки выразил к ним своё отношение. Кроме того, в статье обсуждается роль ономастических единиц в переводоведении, их функции в структуре фразеологических единиц.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА. Ономастический компонент, религия, фразеологическая единица, Каин, Авель, Ной, Бог, Иуда.

ABSTACT. In this article the author has analyzed the religious onomastic components in the structure of phraseological units of English, Russian and Uzbek languages, and also, citing the views of scientists about translations preserving the national features of onomastic units into unrelated languages and expressed the attitude towards them. Also, it is discussed the role of onomastic units in translation studies, their functions in the structure of phraseological units.

KEY WORDS. Onomastic component, religion, phraseological units, Cain, Abel, Noah, God, Judas.

Таржима халқлар, миллатлар орасидаги кўп йиллик алоқа воситаси бўлиб, икки ва ундан ортиқ миллат вакилларининг маданияти ҳамда кўп асрлик тарихи ҳақида маълумот олишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунга келиб таржиманинг миллат ва жамият тараққиётидаги роли янада ортиб бормоқда. Таржима орқали бир-бирига қардош бўлмаган халқлар ўзга халқларнинг яшаш тарзи, маданияти, тарихи, жамиятдаги ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳар бир халқнинг сўзлашув тилида ўзига хос миллий бойликлари борки, улар асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Шундай бойликлар орасида ономастик бирликлар ва ономастик компонентли фразеологик бирликлар тил эгаси бўлган халқнинг маънавий маданиятини, урф-одати, касби, яшаш шароити, интилиши, воқеликка муносабати билан узвий боғлиқдир.

Таржимашуносликда ономастик бирликлар ва ономастик компонентли фразеологик бирликлар масаласи ҳанузгача тилшунос олимларнинг назаридан четда қолган эмас. Ономастик компонентли фразеологик бирликлар таржимаси таржимон учун ҳам,

тадқиқотчи учун ҳам мураккаб жараёнлардан ҳисобланади. Ғ.Саломов айтганидек, «таржима тенг қийматли, тенг сифатли бўлиши лозим. Бинобарин, таржимон ҳам муаллиф билан бўйлаша ва беллаша оладиган «эквивалент ижодкор» бўлмоғи даркор» [11; 49].

Охирги йилларда миллий бўёқдор фразеологик бирликларнинг таржимасига бағишланган тадқиқотларнинг сони орта бошлади. Мазкур тадқиқотларда асосан фразеологик бирликларнинг миллий-лисоний хусусиятлари икки ёки уч тил доирасида қиёсий ўрганилган. Масалан, Г.И.Мансурова, Ф.С.Азизова, Л.Э.Холмурадова, Ш.П.Рахимова, З.Қ.Тешабоева, Н.А.Тўхтаходжаева, М.А.Раджабоваларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Таржима жараёнида фразеологик бирликларнинг миллийлик хусусияти сақланиши лозим, тилшунос олима З.Қ.Тешабоева айтганидек, «ҳар бир баркарор бирикма китобхонга тарихий шахс ва воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот олиш ва уларни хотирада сақлаш имкониятини беради» [13;17].

Ономастик бирликлар дастлаб ўз маъносида ишлатилиб, кейинчалик фразеологик бирликлар таркибида тимсолий маъно касб эта борган. Масалан, О.К.Мжельская ўзининг тадқиқотларида **Иуда** – «сотқинлик» рамзи, **Авель** – «айбсиз қурбон», **Фома** – «бадгумон, ишончсиз кишилар», «қайсар инсон» тимсоли сифатида ифода этади [6; 8-9]. Аслида ҳам Инжил ривоятларига асосланадиган бўлсак, Иуда Исо (а.с.)нинг ўз шогирди Искариот номидан келиб чиққан. У ўз устози Исога хиёнат қилиб, диний таълимотларда «сотқинлик» рамзи сифатида ном қолдирган. Иуданинг номи билан боғлиқ фразеологик бирликларнинг шаклланиши ҳам шу ривоятлар билан боғлиқ. Инглиз тилида **«(a) Judas kiss»** фразеологик бирлиги рус тилига **«поцелуй Иуды»** деб таржима қилиш мумкин, лекин, ўзбек тилига бу икки фразеологик бирликни «Иуданинг бўсаси» деб таржима қилиш нотўғри, бизнингча. Чунки, Иуда ўзбек менталитетига нотаниш тимсол. **«(A) Judas kiss», «поцелуй Иуды»** фразеологик бирликларини ўзбек тилига «хоинлик», «мунофиқлик», «сотқинлик» деб таржима қилиш мумкин ёки **Авель** ва **Каин** тимсолларини таҳлил қилсак, христианларнинг китоби Инжилда улар ака-ука сифатида тилга олинади. Ислом динининг каломи Қуръони Каримда ҳам **Қобил (Каин)** ва **Ҳобил (Авель)** Одам (а.с.)нинг ўғиллари деб таълимот берилади. Диний қарашларга кўра, Каин (Қобил) ўз укаси Авель (Ҳобил)ни ўлдириб, инсоният тарихида оғир гуноҳ-қотилликка қўл уради ва дин тарихида «қотил», «жиноятчи», «сотқин» деб ном қолдиради. Кейинчалик, бу тимсолий номлар асосида халқ орасида **«Cain-coloured» - «рыжий» - «малларанг»** (Каин малларанг соқолли инсон кўринишида тасвирланган), **«(the) brand of Cain» - «Каинова печать» - «жиноятнинг ташқи белгилари»** каби фразеологик бирликлар шаклланган.

К.Жўраев шундай дейди: «Агар миллий колоритни белгиловчи ҳар бир сўзни таржимасиз қолдираверсак, текст ниҳоятда миллийлашиб кетади ва ҳатто, китобхон у ерда ўзини йўқотиб қўйиши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш учун миллий бўёғи унчалик кучли бўлмаган, маълум даражада нейтрал характердаги хос сўзларни контекстга шундай жойлаш керакки, бундаги вазият таржима қилинмаган хос сўзни тушунишга ёрдам қилсин» [3; 53]. Бу фикрларга асос сифатида инглиз тилидаги **«Noah's ark»** ва унинг рус тилидаги **«Ноев ковчег»** эквивалентини таҳлил қиладиган бўлсак, **Noah** ва **Ной** номлари ўзбек миллатига умуман ёт ономастик бирликлар. Шунинг учун таржиманинг муваффақиятли бўлиши учун таржимон таржима қилаётган тилда гаплашувчи халқнинг маданияти, тарихи, бадиий ва халқ оғзаки ижоди ҳақида билимга эга бўлиши керак. Шундагина таржима соф, миллий характерга эга бўлади. Халқнинг диний таълимотларидан хабардор бўлган таржимонгина Noah ва Ной исмлари ўзбек тилига Нуҳ (а.с.) деб таржима қилиши кераклигини англайди. Лекин, юқоридаги фразеологик бирликлар ўзбек тилига **«Нуҳ кемаси»** деб сўзма-сўз таржима қилинса, нисбийлик

вужудга келиб қолиши мумкин. **«Нуҳ кемаси»** ҳақидаги қисса Инжил ҳамда Қуръони Каримнинг **«Нуҳ»** ва **«Анкабут»** сураларининг 15-оятларида тилга олинади. Бу ўринда инглиз тилидаги **«Noah's ark»** ва унинг рус тилидаги **«Ноев ковчег»** эквиваленти ўзбек тилига **«нажот кемаси»** сифатида таржима қилинса, рамзий маънони ёрқин ифодалаш мумкин бўлади.

Фразеологик бирликлар таркибидаги ономастик компонентларнинг таржима қилиниши таржимашуносликда қийин жараёнлардан бири ҳисобланади. Фразеологик бирликларни таржимада бериш жараёнида халқлар орасидаги маданий алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Соф, юқори даражадаги таржима фразеологик бирликларни адекват таржима орқали беришни тақозо этади. Бунда эквивалент таркибидаги ономастик компонентлар шу тилда гаплашувчи халқнинг ментал хусусиятларини ифода этади. Шунинг учун ҳам «таржимон олдида иккита асосий вазифа туради: биринчиси – аслият (таржима қилинаётган асар тили) маъно мазмунини тўғри ва теран тушуниш, иккинчиси ана шу мазмунни таржимада тўғри ва тўлиқ ифодалашдир» [7; 153].

Таржимашунос олимлар Ғ.Саломов ва Н.Комиловлар таржима санъатини аслиятни айнан такрорлаш санъати эмас, балки, қайта тиклаш, асарни бошқа тилда қайта яратиш санъати эканлигини алоҳида таъкидлайдилар [12; 39]. Ҳақиқатан ҳам, мазкур фикр асосида тил бирликлари бир тилдан иккинчи тилга ўгириладиган бўлса, лисоний бирликлар ижодкор услубини қайта яратиш маҳсули эканлиги ва таржимоннинг таржима қилаётган асар муаллифи мансуб миллатга хос урф-одатлар, яшаш тарзи, тарихи ва маданиятини билиши билан боғлиқдир.

Ономастик компонентли фразеологик бирликлар миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда бошқа тилга ўгирилса, таржима жараёнида қиёсий таҳлил орқали юзага келадиган қийинчиликларни аниқлаш имкони пайдо бўлади.

Ғ.Саломов ўзининг «Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир» китобида **«Яхшилик қил дарёга от, балиқ билар, балиқ билмаса, Холиқ билар»** мақолини таҳлил қилган. Унинг фикрича, **«Сотвори добро и брось в воду, вода не примет – рыба примет, рыба не примет – творец примет»** таржимасидаги сув, балиқ ва яратувчи сўзлари маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ҳам бир-бирига мос эмас [10; 46-47]. Мана шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, диний ибораларни эквивалентлар ёки муқобил вариантлар билан алмаштириб бўлмаганда, сўзма-сўз таржима энг мақбул йўл. Чунки, Холиқ (Аллоҳнинг сифатларидан бири) фақат ислом динини қабул қилган халқлар учун танишдир. Таржима қилинган фразеологик бирлик таркибидаги «Холиқ» рус тилида «Бог» худо сўзи билан алмаштирилган. Чунки, «Холиқ» сўзи яратувчи маъносини англатади. Бу ўринда фразеологик бирлик сўзма-сўз таржима қилинганда ҳам, ибора мазмуни бутунлигича сақланган.

«Идиомаларнинг таркибида тор маҳаллий маънода ишлатилган, топонимика хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, халқнинг тор доирадаги ўзига хос урф-одатлари ва маросимларининг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, миллий бўёққа бўялган сўзлар бўлса, улар бошқа тилдаги идиомаларга мазмунан ўхшасалар ёки яқин бўлсалар ҳам эквивалент бўлолмайдилар» – деб ёзади Ғ.Саломов [10; 66]. Яъни, тилнинг фразеологик қатламида топоним ёки антропоним қатнашган бўлиб, улар қардош бўлмаган тилларда берилишда мантиқан тўла мос келадиган фразеологик бирлик орқали таржима қилинса ҳам, улар доимо бир-бирининг мазмунини тўлиқ англатмайди ва айнан ўша ономастик бирлик сақланган ҳолда таржима қилинмайди. Бу жиҳатдан ономастик таркибли фразеологик бирликларни қардош бўлмаган тилларга таржима қилишда юзага келадиган муаммолар уларнинг ментал хусусиятидан келиб чиқади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, қардош бўлмаган тиллар тизимида миллий хусусиятга эга фразеологик бирликларни чоғиштириб таҳлил қилиш таржимашунослик йўналишидаги масалаларнинг ўз ечимини топишида ва бўлажак таржимонларнинг касб маҳоратини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, фразеологик бирликлар таркибида учрайдиган ономастик компонентлар миллатнинг характерини ифодаловчи миллий тил бирликлари ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азизова Ф.С. Олий таълим муассасалари талабаларига инглиз тили фразеологизмларини ўргатишнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тилллари мисолида). Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) афтореф. – Тошкент, 2018. – 56 б.

3. Жўраев К. Таржима санъати. – Тошкент: Фан, 1982. – 60 б.

4. Йўлдошев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек халқ достонларининг частотали изоҳли фразеологик луғати. – Самарқанд, 2013. – 104 б.

5. Мансурова Г.И. Когнитивный аспект перевода фразеологических единиц. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2006. – 29 с.

6. Мжельская О.К. Семантическая специализация и концептуализация заимствований (на материале ономастических компонентов библейской фразеологии): Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Барнаул, 2008. – 20 с.

7. Мирзаев И. К. Таржимада муқобиллик масаласи // Чет тиллар ўқитишда коммуникатив ёндашув: тил, тафаккур, маданият. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Бухоро, 2017. – Б.153.

8. Radjabova M.A. The classification of phraseological units with onomastic components // Scientific reports of Bukhara State University. – Bukhara, 2020. – № 6 (82). – pp. 139-147.

9. Рахимова Ш.П. Инглиз тили идиоматик ибораларини ўзбек тилига ўгиришнинг лисоний хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) афтореф. – Тошкент, 2019. – 48 б.

10. Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир. – Т ошкент: Ўқитувчи, 1961. – 159 б.

11. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1983. – 192 б.

12. Саломов Ғ., Комилов Н. Дўстлик кўприклари. – Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 139 б.

13. Тешабоева З.Қ. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.

12. Тўхтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 42 б.

13. Холмурадова Л.Э. Инглиз ва француз тилларидаги образли ва мотивлашган фразеологизмларнинг тематик-идеографик талқини (лингвомаданий аспект): Филол. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. афтореф. – Тошкент, 2017. – 50 б.